

Ўзбекистон туманида агро кластер томонидан логистика маркази ҳамда 1000 тонна сифимга эга бўлган замонавий музлаткич қурилмоқда

Ўзбекистон туманининг Хотамтой қишлоғида “Олтин водий мевалари” МЧЖ мева-сабзавотчилик агро кластери томонидан ўзига хос логистика маркази ҳамда минг тонна сифимга эга бўлган замонавий музлаткич қурилмоқда.

Туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев бугун ушбу лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.





1,3 гектар майдондан ўрин олган ушбу лойиҳа доирасида яшик ишлаб чиқариш цехи, омборхона, меҳмонхона ва божхона хизматларини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилганлиги маълум қилинди.

Таъкидланишича, лойиҳанинг умумий қиймати 3 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг биринчи босқичи жорий йилнинг июн ойига қадар ишга тушиши режалаштирилган. Натижада эса, 30 та доимий ҳамда 200 га яқин мавсумий янги ишчи ўринлари яратилиши белгиланган.

ОЛТИН ВОДИЙ МЕВАЛАРИ АГРО КЛАСТЕРИ



Логистик маркази

Сигими - 1 000 тн

Яшик ишлаб чикариш цехи

Мева ва сабзавотлар кайта ишлаш цехи

Омборхона

Мехмонхона

Божхона хизматлари

Йиллик экспорт ҳажми - 10 млн доллар

Умумий майдони - 1.3 гектар

Қиймати - 3 млн доллар

Ўзини қоплаш муддати - 36 ой

Янги ишчи ўринлар

Мавсумий - 200 ўрин

Доимий - 30 ўрин

Туман раҳбари лойиҳа ташаббускорлари ҳамда масъуллар билан суҳбатлашиб, туманнинг қишлоқ хўжалиги, айниқса мева-сабзавотчилик салоҳиятидан унумли фойдаланиш, маҳсулот етиштирувчи ва кластерга бирдек манфаатли бўлган ҳамкорликни мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини ошириш юзасидан ўз таклиф ва кўрсатмаларини берди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-04-01 00:35:57